

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**221** **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси тузилмасини ислоҳ қилиш ва фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2011 йил 30 мартдаги ПҚ–1514-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 23 май,  
ПФ–4311-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2011 йил 23 майдаги  
ПФ-4311-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи ва чакана савдо-ни либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 февралдаги ПФ-3722-сон Фармонининг:

а) 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Улгуржи савдо корхоналари уюшмасини ташкил этиш зарур деб ҳисоблансин»;

б) 3 ва 5-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 6 мартдаги ПҚ-300-сон қарорида:

а) 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклансин:

Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларни давлат рўйхатига олиш;

Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи ҳудудий базаларга истеъмол товарлари билан улгуржи савдо қилишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш»;

б) 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.